2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

# BUYRUG'I

2019 yil "20" 03 228-son Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 мартдаги 210-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан ташкил этилаётган хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларида ўқишни таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1.Барча факультет деканлари, бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирларига:
Бош илмий-методик марказ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган олий таълим муассасаларидан хорижда малака ошириш, стажировкадан ўтиш ва докторантура ва магистратурада ўқиш учун юборилиши режалаштирилаётган номзодларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсининг дастури маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тиллар кафедраси мудири С.М.Тўйчиевага:
Олий таълим муассасалари педагог кадрларини хорижнинг етакчи ОТМларида малака ошириш ва стажировка курсларига тайёрлаш бўйича хорижий тил ўқув дастури барча номзодларга ва кафедра мудирларига етказилсин ҳамда ўқишни ташкил этиш чоралари кўрилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 мартдаги 210-сонли буйруғи.*

ASLIGA TO'G'RI

**Ректор** **И.И.Алимджанов**

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI — DEVONXONA

001656